

TILSHUNOSLIKDAGI ZAMONAVIY YO'NALISHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR



ONLAYN

XALQARO ILMYIY-AMALIY

KONFERENSIYA

Andijon - 2020

<http://conference.adu.uz>



CERTIFICATE

OF PARTICIPATION

Мадаминова М.

has successfully participated in
The 1st online international scientific-practical conference
Modern Trends in Linguistics: Problems and solutions



A.S. Yuldashev
Rector of Andizhan State University

*Awarded on January 28, 2020
Andizhan, Uzbekistan*

Аъзамов С.	МУҲАНДИСЛИК СОҲАСИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР	255
Бектошев О.	ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА КОНЦЕПТУАЛ АХБОРОТНИ ФАОЛЛАШТИРУВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ	257
Мадаминова М.	ДИСКУРС ВА МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ	259
Валиева М.С.	МАТН АСПЕКТИДА ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАР	261
Гафурова Н.	ТЕРМИН КОНЦЕПТИ ВА УНГА ТУРЛИЧА ЁНДАШУВЛАР	263
Давлатова Р.Х.	ЎЗБЕК ТИЛИДА ЗАМОН ДЕЙКСИСИ ВА УНИНГ ОЛМОШЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАСИ	265
Жамолиддинова Д.М.	ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МЕТОДОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	268
Жўраева М.З.	КИРИШ ВА КИРИТМАЛАРНИНГ ИНТЕГРАЛ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ	271
Жўраева М.	ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАРНИНГ ЭМОЦИОНАЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТА СИФАТИДАГИ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ	273
Закирова О.	ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ВА ИНСОН АССОЦИАЦИЯСИ	275
Закирова Ҳ.Р.	ИНДИВИДУАЛ АССОЦИАЦИЯЛАРНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	276
Ибрагимова М.	ЗАМОН ДЕЙКСИСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР	279
Ишанжанова М.	ДЕЙКТИК БЕЛГИЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	280
Камалходжаева С.	СУД ЛИНГВИСТИКАСИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР	282
Каримова В.В., Бурҳонова Д.	ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖИНСИ ВА КИМГА ҚАРАШЛИЛИГИ ФАРҚ ҚИЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ БИЛДИРУВЧИ АЙРИМ ҚАРИНДОШЛИК АТАМАЛАРИНИНГ СИНХРОН –ТИПОЛОГИК ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА	286
Қодиров З.	ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ТИЛШУНОСЛИК	289
Қосимова Ф.Х., Жўраева З.Ш.	“ШИФОКОР” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ	292
Халилова М.	МИКРОМАТН ТЕМАСИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	294
Матқулов Х.М.	ЛЕКСИК ТАКРОРНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА	297
Маҳмудова С.	ЛИНГВОМАДАНИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИГА ДОИР	299
Мирзаахмедова Ю.А.	ГЕНДЕР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ГЕНДЕР НАЗАРИЯСИ	301

фразеологик бирликларда ҳам намоён бўлади. Масалан, чем сильнее, тем правее; чья сила, того и воля; сильная рука – владика; где сила, там и закон кабилар.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инглиз тили материалида *to force* феълининг вербализациясида кўриб чиқилган чегара аниқ эмас, бир неча ҳолатларда (масалан: субъект каузаторнинг импликация ҳолатида) феъл қайси маънода ишлатилаётганини билиш жуда қийиндир. Умуман, *to force* феъли ёрдами билан ифодаланадиган маънолар шуни кўрсатадики, мажбурийлик ташқи ва ички омиллар таъсирида мажбурланувчи шахс нуқтаи назаридан модаллик характериға эға. Шундай экан, юқорида таъкидланган маъноларидан *to force* феъли вербализацияси учун умумий белги - каузативлик белгисини кузатишимиз мумкин. Рус тили материалида “сила” ва “сильный” лексик бирликлари ҳам тил материалиға хос бўлган концептуал ахборотни фаоллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот натижасида шундай ҳолатларға гувоҳ бўлдики, турли тизимли тиллар материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари ўша тилни ўзига хос бўлган хусусиятларнигина намоён қилар экан. Бунға бир неча мисоллар келтириб ўтамиз. Масалан, рус тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари “сильный” лексик бирлиги билан сильный специалист, сильный ученик мисолларида моҳир, талантли маъноларини англатади. Ўзбек тили материалида эса кучли мутахассис, кучли ўқувчи маъноларини ифода қилади. Инглиз тили материалиға келадиган бўлсак, кучли мутахассисни *powerful specialist* ёки кучли ўқувчини *powerful pupil* дея олмаймиз, уларнинг ўрниға *talented specialist* ёки *talented pupil* ибораларини кўришимиз мумкин. Яна бир мисол, ўзбек тили материалида “куч” элементли концептуал ахборотни кучли одам, баҳодир, полвон лексик бирликлари орқали фаоллаштиришимиз мумкин [4], аммо рус тилида шунчаки “силач”, инглиз тилида эса “strong”, лексик бирликлари билан вербаллашувини кузатиш мумкин. Демак, турли тизимли тилларда “куч” элементли концептуал ахборотни фаоллаштирадиган тил бирликлари бир хилда вербализация қилинмайди ва бу ҳолат тилларнинг социологик, психологик, социо-прагматик, лингвокогнитив жиҳатдан фарқланиши билан изоҳланади.

Адабиётлар

1. Longman Dictionary of Contemporary English. - London: Longman, 2001. - 1519 p.
2. Cambridge International Dictionary of English. - Cambridge: Cambridge University Press, 1995. - 1774 p.
3. Ожегов С. И. Толковый словарь русского языка / под ред. проф. Л. И. Скворцова. – 26-е изд., испр. и доп. – М.: ООО «Издательство Оникс» : ООО «Издательство Мир и образование», 2010. – 1360 с.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 439.

ДИСКУРС ВА МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ

Мадаминова М., таянч докторант (PhD), АнДДУ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги замон лингвистикасида долзарб бўлган дискурс тушунчаси ёритилиб, у маданий компетенция билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: дискурс, коммуникатив мазмун, информатив мазмун, матн, маданий компетенция.

Аннотация. На этой статье рассматривается актуальный вопрос современной лингвистики – дискурс, а также показана связь дискурса с культурной компетенцией.

Ключевые слова: дискурс, коммуникативное содержание, информативное содержание, текст, культурная коммуникация.

Annotation. This article reveals the concept of discourse widely considered in modern linguistics, and also shows the relationship of discourse with cultural competence.

Key words: discourse, communicative content, informative content, text, cultural communication.

Тилга антропоцентрик ёндашув ўзаро мулоқот жараёнида инсон омили билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагматингвистика каби соҳаларнинг такомиллашувини тезлаштирар экан, мустақил парадигма сифатида тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Матн яратишдан мақсад фикрни узвий ифодалаш орқали шахслараро муносабатни таъминлашдир. Айнан мулоқот жараёни, яъни шахслараро лисоний муносабат маҳсули бўлган дискурснинг прагматингвистик талқини масаласи турли нуқтаи назардан тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Инсон жамиятда яшар экан, муайян тилга хос семантик билимлар эгаси бўлиши билан бирга ўша тилда сўзлаш ва англаш қобилиятини ҳам эгаллаб боради. Ана шу лаёқатнинг шаклланишида ижтимоий-маданий муҳит етакчи мавқега эга бўлиб, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг лингвомаданий компетенцияси юзага чиқади.

«...мулоқотга киришаётган шахснинг асосий мақсади ахборотни узатиш эмас, балки *тингловчини ушбу мақсадни англашга ундашдир* (курсивлар – Ш.Сафаровники). Айнан шунинг учун ҳам коммуникатив бирлик мазмуни воқелик ҳақидаги хабар билан чегараланиб қолмайди, балки пропозиция мазмунига қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди (Бундай қўшимча маъно турига, масалан, эмоцияни киритиш мумкин).

Мақсадли ифодаланадиган *коммуникатив мазмун* ва сўзловчи истаги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тингловчи идрокида (қабулида) ҳосил бўладиган *информатив мазмун* бир-бирини инкор қилмайди, аксинча, улар ўзаро қоришиб, бирикиб, мулоқотнинг самаралилигини таъминловчи омилга айланадилар. Коммуникатив ва информатив мазмунлар уйғунлиги мулоқот тизими макробирлигининг яхлитлигини таъминлайди. Ҳозирги пайтда бундай яхлитлик хусусиятига фақатгина *дискурс* эга эканлиги эътироф этилмоқда.»[4, 236]

Дискурс атамасига Аругюнованинг таърифи кўпчилик томонидан энг маъқул таъриф сифатида қабул қилинмоқда: Дискурс – (французча *diskurs* - нутқ) – экстралингвистик (прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа) омиллар билан уйғун, воқелик нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида одамларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг онгли механизмлари(когнитив жараёнлари)нинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиладиган нутқ. [1.236]

Дискурсив таҳлилда матннинг кенг қамровли лингвистик қирралари очилади. Чунки муайян тил бирликларининг коммуникатив вазифа бажариши мулоқот муҳити (дискурс)да рўй беради. Мана шундай юқори ҳажмли прагматик таҳлил мулоқот жараёнида инсон феномени билан боғлиқ турли аспектларни юзага чиқариш имконини бера бошлади. Инсоннинг муайян фикр ёки тушунчани миллий – маданий шароит доирасида қабул қилишидан бошланган лисоний фаолият жараёнида шахс ўзи мавжуд бўлган ижтимоий муҳитга хос кўрсаткичларни ўзида жамлаб боради. “Бадиий матнда ёки мулоқот жараёнида қўлланилган прагматик ахборот ва прецедентлик феномени муайян ижтимоий муҳитида яшаган ва яшаётган

барча кишилар учун доимо тушунарли бўлади ва уни нутқ жараёнида, дискурсда қўлланиши бошқа тил вакиллари учун доимо тушунарли бўлавермайди.” [2]

Ш.Сафаров мулоқот жараёнидаги ана шу айричалик жиҳатларни таҳлил қилар экан, миллий маданиятга хос қобикнинг мавжудлигини эътироф этади. Этник-этик нормалар тўпланишидан ташкил топадиган ушбу қобик мулоқот стратегияси ва тактикасини бир хилда бошқариб борадиган қоидалар туташадиган майдондир.[4, 267.]

Лисоний-маданий компетенцияга эга бўлган тил эгаси нутқни шакллантириш ва идрок этиш жараёнида тилнинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланади. Натижада миллий-маданий маъно нутқда мужассамлашиб, она тили вакиллари томонидан тан олинади.[3, 24]

“Қаёқларда юргандинг? – деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. – Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан. Кампир унинг юзларига қараб, эзилиб кетди. Қариб, адойи тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди.” [Саид Аҳмад. “Қорақўз мажнун”// Ҳикоялар тўплами, 95-бет.]

Ушбу мулоқот вазиятида ўттиз йил аввал уйдан бош олиб кетиб, ўзга юртда, бошқа миллий – маданий муҳитда яшаган, ўз она тили мулоқот қуршовидан тамоман узилган шахснинг руҳий ҳолати, компетенция занжирининг узилганлик муаммосини кузатиш мумкин. Миллий маданият қобиғидан четлашиш коммуникантлар орасида “прагматик тўсиқ” ҳосил қилган. Прагматик тўсиқ тушунчаси сўзловчи учун ноль қийматга эга бўлиб, бунда фақат тингловчи позицияси эътиборга олинади. Бизнингча, бу ўринда прагматик тўсиққа адресатнинг ижтимоий – маданий компетентсизлиги сабаб бўлган. Вазиятнинг бир тил вакиллари доирасида юзага келганлигидан эса ёзувчи услубий восита сифатида фойдаланиб, бадий нутқ таъсирчанлигига эришган.

Инсон жамиятда мулоқотга киришиш учун тилдан самарали фойдалана олиши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён қилиши, суҳбатдош фикрини англай олиши, бадий асарларни тушуниши, улардан таъсирланиши каби компетенция талаблари миллий ва этник хусусиятлар, одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одат, анъана ва маросимлар каби қатор умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар негизида шаклланиб боради. Ана шу хусусиятлар тил ташувчисининг дискурсив фаолиятида намоён бўла боради.

Адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.
2. Бабенко Л.Г. Филологический анализ текста. – М., 2004.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т., 2008.

МАТН АСПЕКТИДА ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАР

Валиева М.С., ўқитувчи, Кўқон ДПИ

Аннотация. Парантез бирликларни гап доирасида эмас, балки матний қуришда ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Аннотация. Научно доказано, что скобки следует изучать в текстовой среде, а не в предложениях.

Annotation. It is scientifically proven that brackets should be studied in a text environment, not in sentences.